Фаолият

# ИЗЗАТ МАНЗИЛИ

Маматқул БОЗОРБОЕВ

Эман дарахтини кўрганмисиз? У тоза жойда ўсади, тик, мағрур. Фақат юксакни кўзлаб ўрлаб бораверади. Илдизи чуқурлашган сайин, ўсиб эллик метргача бўй чўзади. Ёнида эса ёш эманзорлар пайдо бўлади.

Ҳар гал Фичирят ака ҳақида ўйласам ана шу дарахт ёдимга тушади — улар ўртасида ўхшашлик борга ўхшайди.

Фичирят Кулиев пахта саноати тизимида иш бошлаганида ўн тўққиз ёшда, серғайрат, қизиқувчан, эпчил йигит эди. Унинг содда ва оққўнгиллиги, кенг феъллиги ҳаммага бирдай ёқарди. Ўзининг феъл-атвори яхшилигидан у эл орасида обрў топди. Саноат соҳасини яхши билганлиги, илми ва тадбиркорлиги ёш Фичирятнинг униб-ўсишига омил бўлди.

Сирдарё республикамизнинг энг кўпмиллатли вилояти. Қўлидан иш келадиган тадбирли, одамгарчиликни жойига қўядиган, шу юртнинг фидойиси бўла оладиган ҳар инсон борки, бу ерда ўз ўрнини топган.

Оламшумул 1991 йил ҳаммамизнинг хотирамизда зарҳал ҳарфлар билан муҳрланди. Мустақил юртда пойдеворга дастлабки ғиштлар қўйила бошлаган пайт. Фичирят Кулиевнинг "Гулистон экстракт ёғ" ҳиссадорлик жамиятига раҳбар бўлиб иш бошлаши ўша даврга тўғри келди. Корхона бу пайтда парокандаликка учраган, ускуналар эскирган, содда қилиб айтганда, "ўтириб қолганди". Уни оёққа турғазиш, югуриш лозим эди. Бунинг учун эса елиб-югурадиган, ишнинг кўзини биладиган, метин иродали раҳбар талаб этиларди. Қирқ ёшни қоралаган Фичирят Кулиев айнан кутилган раҳбар бўлиб чиқди. Ёғ-мой саноати технологик жараёнлари ишини тўлиқ ўзлаштириб олган ишчан мутахассис раҳбарликни ўрнига қўя билди: ўрни келганда қаттиққўллик, талабчанлик қилди, ишларни изга туширди. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати юқорилигига эришилди.

Тажрибали раҳбар корхонадаги ишчининг кўнгли хотиржам бўлса, меҳнатда сифат ва унумдорликка эришилишини яхши билади. Шунинг учун ҳам Фичирят Кулиев аввало корхона ишчиларининг иқтисодий муҳофазаси масаласига катта аҳамият берди. Маошларнинг вақтида берилишини назорат остига олди. Ҳузурига келган кишини жон қулоғи билан тинглади, масалани ижобий ҳал этишга ҳаракат қилди. "Тўй-маъракаларда ҳамиша ёнма-ён", "Одамгарчилиги бор", деб қўйишади у ҳақда.

Инсон комилликка интилиб яшайди. Бироқ беайб парвардигор, ҳамманинг кўнглини олиш қийин. Айниқса, раҳбар учун. Иш жараёнида хато, камчиликлар бўлади, кайфият бузилади — бу табиий. Ҳаммага бирдай яхши кўринган билан иш юришмаса, бу ҳам муаммо. Хуллас, фидойи инсон интилган манзил, бу — иззат, ҳурмат манзилидир. Фичирят Кулиев ана шу манзилга етган инсонлар сирасидан.

Бугун корхонада ишлар ёмон эмас. ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар харидоргир, ишлаб чиқариш ҳажми кенгайган. Совун пишириш цехи, макарон ишлаб чиқариш цехи қуриб ишга туширилиши янги иш ўринларини ҳам ташкил этди. Маҳсулотлар турини кўпайтириш борасида янги режалар бор. Корхона цехларида тўлиқ таъмирлаш ишлари амалга оширилган. "Асл йигит қирқ йилда бино бўлади", деган нақл бор элда. Фичирят Кулиев қирқ ёшида шу корхонага раҳбар бўлиб келганди. Мустақиллик билан бирга одимлаб, ўн йилдан буён корхона жамоасининг яхши-ёмон дамларида унга ҳамнафас бўлиб келаётир.

Ҳозирги кунда Фичирят ака Сирдарё вилоят халқ депутати, уч фарзанднинг отаси, бир набиранинг бобосидир.

Инсон умрини дарёга менгзайдилар. Дарёдай оқиб ўтадиган умрни ҳар ким ҳар хил яшайди. Бироқ шундай умри дарёлар борки, бу дарё ўтган жойда ҳаёт яшнайди, гуллар барқ уради, чечаклар кулади. Фичирят аканинг умрини ана шундай дарёга қиёслагим келади. Эл фаровонлиги, юрт ободлиги йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган бу инсон билан сирдарёликлар ҳақли равишда фахрланадилар.

Умрингизга барака!

# ГАЗЕТАНИНГ МЕЪМОРИ

1976 йилнинг охирларида иш юзасидан "Сариосиё ҳақиқати" газетаси масъул котиби Нарзулло Холиқовга учрашдим. Нарзулло ака мени худди яқин қариндошини кўргандай кутиб олди. Ўшанда адабиёт, журналистика, драматургия ҳақида узоқ суҳбатлашдик. У киши менга жуда ёқди, дастлабки суҳбатданоқ энг яқин ҳамкор, ҳамфикр бўлиб қолди...

Шу ўринда озроқ лирик чекиниш қилиб масъул котибнинг ҳам машаққатли, ҳам беҳаловат меҳнати ҳақида тўхталиб ўтсак. Газетани таъбир жоиз бўлса, бамисоли янги бир бино десак, масъул котиб ана шу қурилажак иншоотнинг меъмори ҳисобланади. Кошонанинг кўрки, салобати ва гўзаллиги, энг аввал лойиҳада акс этганидек, газетанинг шакл-шамойили макетда — бўлажак саҳифа нусхасида гавдаланади. Меъмор тинмай излаганидек, масъул котиб ҳам янги газета макети устида кунт билан ишлайди, саҳифаларни гўзал, сермазмун қилишнинг янги-янги йўлларини қидиради. Сабаби аён. У доим ўз газетасининг бошқа нашрдан кўркамроқ, чиройлироқ, ўқишлироқ бўлиши иштиёқи билан ёниб яшайди.

Котибиятда ишлаш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Унинг иши ҳам, вазифаси ҳам, ташвиши ҳам кўп. Деярли ҳар куни у тайёр мақолаларни бирма-бир кўздан кечириши, теришга бериши, макет тайёрлаши лозим.

Биз сўз юритаётган Нарзулло Холиқов ҳам масъул котиблик учун туғилгандай гўё. Нарзулло ака ишга келиши билан ижод столини ортиқча қоғозлардан тозалагач, қўлини совун билан яхшилаб ювади. Чунки газета тақдирини тоза қўлли, оқ кўнгилли, пок виждонли, яхши ниятли киши қўлига топшириш лозим.

Мен "Сариосиё ҳақиқати" газетасининг масъул котиби, журналист Нарзулло Холиқовни 25 йилдан буён биламан. Устозим сифатида ёнма-ён туриб, унинг журналистика соҳасидаги тажрибасини, маҳоратини ўрганиб келаман. Н.Холиқовнинг изланувчанлиги, толмас иродаси, айниқса муомала маданияти биринчи суҳбатдаёқ кишини ўзига жалб этади. Собитқадамлиги, туганмас шижоатини-ку, айтмай қўя қолай. Мен кўпинча Нарзулло аканинг бир фазилатига тан бераман: у киши хоҳ йўлда, хоҳ ишда бўлсин, доимо ижодий фикрлар, мулоҳазалар билан юради.

Нарзулло ака тайёрлаган газетанинг саҳифалари янги хонадонга тушган келиннинг уйига ўхшайди. Сарлавҳа, рукн, луқма, кичик сарлавҳа, танланган ҳарф, сурат ва иқтибослар моҳир каштачи қўли билан тўқилган мисол "ярқ" этиб кўзга ташланади, ўқувчилар эътиборини ўзига жалб этмай қолмайди. Шу боис Нарзулло Холиқов тайёрлаган газета сонлари туман жамоатчилигида яхши кутиб олинади. Бундан руҳланган масъул котиб эса ўз иш тажрибаларини бошқалар билан эринмасдан ўртоқлашади.

Нарзулло ака Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, журналист Очил Пардаев, Ғанижон Шарипов, журналистлар Нусратулло Шоймардонов, Раъно Шамсиддинова каби устозлардан ўрганган талабчанликни, маҳоратни, ишга масъулият билан ёндашишни, хуллас, барча ижодий тажрибаларини шу кунда ҳаётга татбиқ этиб келмоқда.

Мақоламиз қаҳрамони — Назрулло Холиқов бугун 50 ёшга тўлди, "элликвойлар" қаторидан мустаҳкам жой олди! Бу — камолот ёши. Бироқ ўсиб-улғайиш ҳамда маҳорат қирраларини эгаллашнинг чегараси бўлмайди. Нарзулло Холиқовга бир пайтлар ўзи танлаган ва умр бўйи боғланиб қолган ишида улкан муваффақиятлар, юксак парвозлар тилаймиз!

Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ
*Сариосиё тумани*

Ҳа-зил

# ПАРОДИЯ

**Мана каминанинг мўъжаз кулбаси,**
**Зебу ҳашамлардан йироқ, тўпори.**
**Бу ўзим: ўзбекнинг Тарас Бульбаси.**
**Лабимда папирос. У — дардкаш ёрим.**
**Мана кўрпа-ёстиқ; оҳори кетган.**
**Бу электр чироқ, ярми ёнган шам.**
**Бу дунёдан не-не даҳолар ўтган,**
**Бир кун бу дунёдан ўтаман мен ҳам.**

Маҳмуд Ғофур. "Ўзим ва уйим тасвири"

***Мана бу чордевор бизга тегишли,***
***Ҳатто тополмайсан шифтидан васса.***
***Сичқонлар кечаси гоҳ пойга қилса,***
***Гоҳида рақс тушиб, ўйнайди "асса".***
***Тунлари шу кичик кулбада ётиб,***
***Келажак ҳақида сураман хаёл.***
***Девордаги сурат аҳли оилам,***
***Келинингиз бўлар четдаги аёл.***
***Манави полдаги эски китоблар,***
***Жавон йўқлигидан қўйганман тахлаб.***
***Чироқ кўп ўчади, газ ҳам жуда паст,***
***Шу тарзда мен ижод қиламан яхлаб.***
***Мана бу ошхона. Қозон-товоқлар.***
***Унинг ху бурчаги — ижодхонамдир.***
***Анави бостирма йўқ сигир учун,***
***Ёнида итхона. Ўнгида тандир.***
***Ўзи бой яшаган айт, қайси шоир?***
***Навоий каби тўқ умр кўрган кам.***
***Не зотлар этмаган бу дунёни тарк,***
***Навбат етса ундан ўтаман мен ҳам.***

Ўткир САИДОВ

Мулоҳаза

# ТИЛ ТИШГА ҚАРШИ

## Ёхуд муомала маданияти

***Тиш ёмон сўзларни айтган тилни тишлаб олгиси келар экан. Лекин тишлар "кариес"дан тўкилиб тушмоқда шекилли, тил тишдан қўрқмай қўйди ва хоҳлаган тарафига истаганча айлана бошлади. Тиш тилни бўйсундира олмай қолди. Наҳот бу тилнинг тишга исёни бўлса...***

Инсон яратилибдики, у ўзининг гапира олиш ва фикрлаш қобилияти билан ўзга жонзотлардан ажралиб туради. Одамлар бир-бирига фикрларини баён этиш учун ўзаро муомалада бўлишади. Хўш, муомала маданиятининг гултожи не эканлигини биласизми? Гўзал муомалани узукка қиёсласак, шу узукнинг гавҳари шубҳасиз саломдир. Лекин шу гавҳар оддий бир тошга айланиб қолмаяптимикан? "Солийкум", "Қалейсан?" каби ҳар куни ғашга тегадиган чала сўзлар, тўлиқсиз саломларнинг янги-янги "мода"лари пайдо бўлмоқда. Йигитлар ўртасида туркчасига пешона уриштириш, қизларнинг чўлп-чўлп ўпишишларига кўзимиз тушиб, нақадар "завқ" оламиз. Замондошларимиз шу тарздаги салом-аликлари билан ўзлари ҳақида, таълим-тарбияси-ю, дунёқарашлари борасидаги дастлабки маълумотни тақдим этишади.

Муомала ҳақида сўз кетар экан, ҳозирги пайтдаги одамлар орасидаги муносабат ҳақида ўйламасликнинг иложи йўқ. Атрофга назар ташлаб кўринг-а. Қаранг, курраи заминда "хушмуомала" одамларнинг кўплигини кўриб "хурсанд" бўлиб кетасиз. Кўча-кўйда ёки транспортда юрганимизда баъзи бир нохуш воқеаларнинг гувоҳи бўламиз. Ёшларнинг бир-бирлари билан баланд овозда ярми рус, ярми ўзбек тилида муомала қилаётганини кўрамиз.

Нафақат ёшларимиз орасида, балки катталар орасида ҳам муомала маданиятини билмайдиган одамлар учрайди.

Нафиса АБДУВАҲОБОВА,
Тошкент давлат санъат институти журналистика факультети толибаси

Савод

# ЖАННАТМАКОНМИ ЁКИ ЖАННАТМОНАНД?

Кейинги вақтларда "жаннатмакон" сўзини юртимизни, ўлкамизни сифатлаш маъносида ишлатиш кенг урф бўлди. Радио-телевидение, газета-журналлардан бу сўз шеърларга, шеърлардан қўшиқларга кўчди.

Шу ўринда савол туғилади: "жаннатмакон" сўзини биз ўз ўрнида, ўз маъносида ишлатаяпмизми? Бу ҳақда шахсий мулоҳазаларимни билдириб ўтсам.

"Жаннатмакон" сўзининг маъносини 1981 йилда Москвада "Рус тили" нашриётида чоп этилган 2 жилдлик "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"дан топа олмадим. Луғатда "жаннат", "макон" сўзларига изоҳлар берилган, аммо улар қўшилиб келганда қандай маъно англатиши кўрсатилмаган. Шу сабаб улуғ адибимиз Қодирий ҳазратларига мурожаат қилдим:

Қодирийнинг "Калвак Маҳзумнинг хотира дафтаридан" асарида (А.Қодирий, "Ғирвонлик Маллавой" тўплами. Тошкент, Ғ.Ғулом номли Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987 йил, 272-бет) "Падар жаннатмакон вафотлари билан ... маҳрум қилдилар" деган жумла бор экан.

Аниқ кўриниб турибдики, "жаннатмакон" сўзи бу ерда марҳумга нисбатан, унинг жойи жаннатдан бўлсин деган маънода ишлатилган. Бу сўз яқин-яқинларгача ҳам фақат мана шу маънода ишлатилиб келинган эди.

Кейинчалик уни ўлка, юрт сўзларига қўшиб, монанд сўзи ўрнига, яъни жаннатмонанд ўрнига жаннатмакон деб ишлатила бошланди.

Бундан бир неча йиллар олдин "моҳир боксчи" маъносини англатувчи "чарм қўлқоп устаси", "моҳир футболчи" маъносида келадиган "чарм тўп устаси" ва шу каби "уста"лар ўз ўрнида ишлатилаяптими, улар моҳир спортчи тушунчаси ўрнига чарм қўлқоп ёки чарм тўп тикувчи устани билдирмасмикин? — деб ўйлаб юрган ва танқид маъносида баъзи нарсаларни қоралаб ҳам қўйган эдим. Аммо ўша вақтлар Қодирий ҳазратларининг "Ўткан кунлар" романларини қайта варақлай туриб, "Уста Мўмин исмлик бир милтиқ устасининг отган ўқи билан кўкрагидан яраланиб йиқилди", — деган жумлани ўқиб қолдим. Бунда "милтиқ устаси" милтиқ ясайдиган уста эмас, снайпер, моҳир милтиқ отувчи маъноларида қўлланган. Шундан сўнг "чарм қўлқоп устаси" боксчига нисбатан тўғри қўлланилаётганлигига, Қодирий бобомиз ўзларининг машҳур романлари ҳақида "Бу икки китобни бир марта эмас, беш марта ўқиш керак. Шунда сиз турмушни, тарихни, сиёсатни, одобни, тилни ўрганасиз", — деб бекорга айтиб кетмаганликларига ишонч ҳосил қилдим.

Яна мавзуга қайтсак. Юқорида айтилган "Изоҳли луғат"дан "монанд" сўзини топиб ўқидим. Унинг биринчи маъноси "ўхшаш", иккинчи маъноси эса мос, мувофиқ экан. Муаллифлар буни асослаш учун мисоллар ҳам келтиришган:

1. Ўлкамиз жаннатга монанд (Ғафур Ғуломдан).
2. Исми жисмига монанд.

Фикримча, А.Қодирий ва Ғ.Ғуломдан олинган мана шу икки мисол "жаннатмакон" сўзини биз жаннатмонанд ўрнида бузиб қўллаётганимизни кўрсатиб турибди. Бунга тилшунос олимларимиз ҳам ўз муносабатини билдирадилар деган умиддаман.

Абдуқаҳҳор МУТАЛОВ,
ҳуқуқшунос

Муносабат

# ХОЛИСЛИКНИ УНУТМАЙЛИК

Анчадан буён аския санъати тўғрисида бирор нарса қоралашни ният қилиб юргандим. "Ҳуррият"нинг 46-сонида чоп этилган "Аския — нозик санъат!" сарлавҳали мақола шу ниятнинг муддатдан илгари амалга ошишига туртки бўлди.

Аввало мазкур мақолани ўқиб чиқиш жараёнида туғилган баъзи эътирозли мулоҳазаларни муаллифдан узр сўраган ҳолда айтиб ўтсам. Ҳақиқатдан ҳам мақолада айтилганидек, аскияда ҳар иккала томон зоҳирий ва ботиний маъноларга эга гаплар билан бир-бирини мот қилишга ҳаракат қилади. Аскиядаги сўз ўйинларида ботинан куракда турмайдиган парнографик маънога эга савол-жавоблар қўлланилиши ҳам кўпчиликка яхши маълум. Муаллиф мақолада Саид Аҳмад домланинг аския ҳақидаги фикрини ўринли келтиради. Дарҳақиқат, аскиянинг фақат эркаклар даврасидагина айтилиши мақсадга мувофиқ келади. Шу боисдан ҳам аксарияти уят маъно касб этувчи аския гурунгларини телевидение ва радио орқали мунтазам бериб бориш тўғри бўлармикин? Фақат айрим байрамлардагина баҳраманд бўладиганимиз, гўзал санъат намуналарида ҳам рақибининг шаънига айтилган қўпол қочиримлар истаганча учрайди-ку! Телеэкран қаршисида фақат эркакларгина бўлмаслигини унутмайлик, ахир!

Шунингдек, мақола муаллифи ўз томошабинлари қалбидан жой олишга улгурган, "Ҳандалак" ҳажвий киножурнали муаллифларини аскияни яхши тушунмасликда айблабди. Агар бу дўстимиз "Ҳандалак"чилар ижоди билан яхшироқ танишганида бундай фикрга бормаган бўларди. Чунки Ортиқ Султонов ва Зокир Очилдиев ўз чиқишларида аскиядаги сўз ўйинларидан моҳирона фойдаланишга ҳаракат қилишади. Мақолада келтирилган мисолга келсак, бу ҳангомада қизиқчилар аскияни эмас, саёз ва сийқа гаплари билан ўзларидан бошқани кулдиролмайдиган нўноқ аскиячиларни енгил кулгу остига олишган. Шунинг учун бу ҳақда фикр билдирганда холисликни қўлдан бермай, кўрсатувнинг ҳам, аскиянинг ҳам ўз ўрни, мақсади ва, энг муҳими, ўз мухлислари борлигини унутмаслик лозим, деган фикрдамиз.

Рустам ЖАББОРОВ,
ЎзМУ магистранти

ОВОЗА
Бензиннинг нархи ошмасмиш!




G'uncha

### QUYOSH

Elu yurtga mahliyo,
Osmonda sochar ziyo.
Berkinadi gohida,
Quyosh osmon shoxida.

### KAPALAK

Bog'imdagi gulimga,
Kelib qo'ndi kapalak.
Kapalakni tutolmay,
Quva-quva men halak.

Kapalakjon, kapalak,
Kiyganing shohi, ipak.
Guldan-gulga qo'naver,
Bahordan berib darak.

### QAYMOQ

Onam qo'ydi oldimga
qaymoq,
Qaymoq rangi judayam
oppoq.
Qaymoqni yeb, qildim men
huzur,
Sizga qoldirmabman,
kechiring, uzr.



### O'ZBEKISTONDIR

Bulbullarning sho'x navosi,
Tabiatning xush havosi.
Suvlarining zilolligi,
Bobodehqon halolligi.

Paxtasining har tolasi,
Qir-adirlar shalolasi.
Ellarga doim dostondir,
Bu yurt — O'zbekistondir.

Maftuna QURBONOVA,
Uzun tumanidagi 23-maktabning
5-sinf o'quvchisi



**Дилрабо!**
**Сизни таваллуд айёмингиз билан чин дилдан муборакбод этамиз!**
**Лабингиздан кулги, чеҳрангиздан табассум аримасин.**
Дўстларингиз Акбар, Нилуфар, Ирода

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

Агар сиз соғлиғингиздан шикоят қилаётган бўлсангиз ҳамда сизни

— *қандли диабет, бўқоқ;*
— *асаб касалликлари, остеохондроз;*
— *эркаклар муаммолари: простатит, аденома, потенциянинг пасайиши, бепуштлик;*
— *инфаркт, инсульт ва оғир операциялардан кейин тез тикланиб олиш;*
— *буйрак ва сийдик йўллари касалликлари;*
— *сурункали бронхит, туберкулёз;*
— *аллергия касалликлари, бронхиал астма;*
— *тери касалликлари, псориаз, экзема ёки болангизнинг тез-тез касалликка чалиниши, яхши ривожланмаслиги каби ҳолатлар*

безовта қилаётган бўлса, у ҳолда сизга ушбу касалликларни даволашнинг (Франция маҳсулотлари асосида) янги, юқори сифатли, кафолатланган, 100 фоиз табиий усулларини таклиф этамиз.

Мурожаат учун телефонлар : 35-64-57, 22-48-65 (кечқурун).

Мусиқа ихлосмандлари диққатига!
Германияда ишлаб чиқарилган пианино сотилади.
Мурожаат учун телефон: 42-28-74.

"Ҳуррият" таҳририяти жамоаси газетанинг жонкуяр муаллифи, журналист Саидмурод САИДАҲМАД вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.